

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби қуйидаги бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири лавозимига:

1. Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси (1)
2. Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси (1)
3. Жиноят ҳуқуқи кафедраси (1)
4. Маъмурий ҳуқуқ кафедраси (1)
5. Касбий кўникмалар кафедраси (1)

Ўқитувчи лавозимига:

1. Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси (1)
2. Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси (1)
3. Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси (1)
4. Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси (1)
5. Касбий кўникмалар кафедраси ўқитувчиси (1)

Ўқув методик бўлимига:

1. Бўлим бошлиғи (1)
2. Бош мутахассис (1)
3. Етакчи мутахассис (1)

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечиктирилмай берилиши лозим.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар муассаса директори номига ариза берадилар, аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Аризалар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўпонота кўчаси, 6-уй

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби кадрлар бўлими

Маълумот учун: (71) 278 - 51 – 27

Эл.почта: tm_devon@mail.ru

Эслатма: мазкур эълон “Халқ сўзи” (2019 йил 19 январь 13-сон), “Народное слово” газеталарида (2019 йил 22 январдаги 14-сон) чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби қуйидаги бўш (вакант) лавозимларга малакали мутахассисларни ишга таклиф қилади:

Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси (1);
Ахборот-ресурс маркази бош мутахассиси (1);
Ахборот-техникавий таъминот ва масофавий ўқитиш бўлими бошлиғи (1);
бош мутахассиси (1);
бош бухгалтер;
девонхона мудири (1);
архив мудири (1);
юрисконсулт (1)

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

Тегишли соҳа бўйича олий маълумот; (магистр, фан номзоди, фалсафа доктори, фан докторларига устунлик беради);
мутахассислиги бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш стажи;
давлат тилини яхши билиш (рус, инглиз ёки бошқа тилларни билиш устунлик беради);
юклатилган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажара олиш қобилиятига эга бўлиш;
компьютер ва бошқа ахборот техникаларидан мукамал фойдалана олиш қобилияти.

Ойлик иш ҳақи – 4 млн.сўмдан 6 млн.сўмгача (мукофот пули ва моддий ёрдамлардан ташқари)

Шунингдек, Судьялар олий мактабининг қуйидаги техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар бўш ўринларига ҳам ишга таклиф қилинади:

иш юритувчи-котиб (3);
кабинет мудири (5);
кассир (1);
кутубхоначи (1);
омборчи (1);
дурадгор (1);
электрик (1);
сантехник (1);
ҳайдовчи (2);
фаррош (4)

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар **2019 йил 15 февраль кунига** қадар ўз шахсий варақасини **tm_devon@mail.ru** электрон почтасига тақдим этишлари ёки кадрлар бўлимига (Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чўпонота кўчаси, 6-уй) тақдим этишлари мумкин.

Юборилаётган маълумотномада номзоднинг яшаш манзили ва телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам акс эттирилиши керак.

Маълумот учун тел: (71) 278-51-27